

«Шыпан» умумий ўрта мактаби

# *Эрталик*

**Мавзу: Меҳрибонлар  
сизга таъзим.**



**Тарбиячи: Рахметова Д**

## **Мавзу: Меҳрибонлар сизга таъзим**

**Мақсади:** 1. Ўқувчиларга 8-март онажонларимиз байрами хақида тушунча бериш.

2. Ўқувчиларга жамоат жойларда ўзини тута билиш тартибини ўргатиш, онажонларга ёрдам беришга ўргатиш.

3. Дўстлик, аҳиллик, бирдамлик каби фазилатларни болага сингдириш.

**Безаги:** Ҳар хил баҳор гуллари, майсалар, онажонларнинг расмлари, ўқувчиларнинг қўлларида гуллар, қизлар атлас кўйлақда, қора шим, миллий тўнлар, либослар.

**Режа:**

1. *Байрам кечасининг очилиши*
2. *Байрам хақида қўшиқ ва ўйин*
3. *Байрам тарихи*
4. *Рақс*
5. *Ўйин табассуми.*

Хуш келибсиз эй азиз

Ўқитувчи, меҳмонлар

Онажон, онажонлар

Аввало ҳаммангизга

**Ҳамма:** Ассалом

**Ўқувчи:** Баҳор келди, гул очилди

Нур сочилди борлиққа

Юрак тўлди шодликка

**Ҳамма:** Салом-ассалом

**Ўқитувчи:** Фарзандини ардоқлаб она,

Ўстиради етказмай завол

Атрофида бўлар парвона

Бўлса ҳамки ўзин қаддилол

Бир мақсадни кўзлайди она,

Шу мақсадда яшайди ёна.

Эшитилар қалбидан бир сас

Болам аввал одам бўлса бас.

Она – бу сўзда олам – олам маъно бор.

Она тарбиячи, она тадбиркор уй бекаси.

Онанинг меҳри қуёшдек беминнат ва мусаффордир. Онанинг фарзандлари учун қилган хизматини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди.

**0 – «А» гуруҳи ўқувчиси:** Аъло баҳо совғамиз

Онажонлар ассалом

Доимо соғ бўлинг

Меҳрибонлар ассалом.

**0 – «Б» гуруҳи ўқувчиси:** Авайлаб бир парча гўштдан

Инсон қилолган онага таъзим.

8 – март бугун

Онажонлар байрами

Йўлларига поёндоз

Даста гуллар байрами.

**0 – «В» гуруҳи ўқувчиси:** Қўшиқ – Олича.

**0 – «В» гуруҳи ўқувчиси:** Тунлари ухламай чиққан

Меҳр чироғин ёққан

Қуёшдай кўкка балққан.

Бағри осмон онажон

Меҳри жаҳон онажон

Оғушида улғайтган

Одам бўл дея айтган

Тонгда силаб уйғотган.

**0 – «Г» ўқувчиси:** Ота-она икки сўз

Бири қошу ва бири кўз

Бир-биридан қимматли

Меҳри дарё қимматли

**0 – «Г» ўқувчиси:** Саккизинчи март бугун  
Қувончларим бир жаҳон  
Байрамингиз муборак  
Азиз опа, онажон.

**0 – «Б» ўқувчиси:** “Нон ёпганда” кўшиқ

**0 – «А» ўқувчиси:** Уйимизда ўқисам шеър  
Аяжоним эркалаб дер  
Қизим бунча тилинг ширин  
Қанд едимку, ахир боя  
Тилим ширин шундан ая.

**0 – «А» ўқувчиси:** “Ёмғир ёғалоқ” кўшиғини ижро этади

**0 – «Б» ўқувчиси:** “Бувижоним” кўшиғини айтади

**0 – «Г» йигитлари:** Ўйин «Лезгинка»

**0 – «А» қизлар ижросида:** «Баҳор» вальси

**0 – «Б» қизлар, йигитлар ижросида:** Ўйин. «Андижон полкаси»

**0 – «В» ўқувчиси:** Ўйин “Катюша” рус халқ ўйини.

**0 – «Б» ўқувчиси:** Саҳна кўриниши. “Она” мавзусида.

**Ҳамма:** Меҳри мисоли дарё.  
Қалби тўла нур зиё.  
Кўзларимга тўтиё  
Ўзимнинг онагинам.  
Юзин нуридан чунон  
Атрофбўлар чароғон,  
Доим мендан гиргиттон  
Ўзимнинг онагинам

**Ўқитувчи:** Ҳурматли ва азиз онажонлар, муҳтарам опа-сингиллар.  
Барчангизни баҳор айёми, 8-март байрами билан чиндилдан муборакбод  
этаман. Болажонларимиз бахтига соғ бўлинг, гулгун чехрангиздан табассум  
аримасин. Юртимиздан тинчлик кетмасин. Уйимизда ғам, кипригимизда нам  
бўлмасин.